O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI

NAVOIY VILOYATI
HOKIMINING
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ

Navoiy sh. Islom Karimov 77 A
“1” Июнь 2018 y.(g)

г. Навои пр. Ислама Каримова 77 А
№ К-197

Навоий Кон-металлургия комбинати давлат корхонаси томонидан Навоий ва Зарафшон шаҳарлари ҳамда Учқудуқ туманида турар жой фондини сақлаш, унга техник хизмат кўрсатиш тарифларини тасдиқлаш тўғрисида

“Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида”ги, (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006й., 4-сон, 158-модда) “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 1996й., 5-6-сон, 59-модда) Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 октябрдаги “Товарлар (ишлар, хизматлар) га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар) ни декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 239-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 42-43-сон, 364-модда) билан тасдиқланган Низом асосида Навоий кон-металлургия комбинати давлат корхонасининг 2018 йил 25 апрелдаги 4-01-11/5245-сонли мурожаати, вилоят Молия бош бошқармасининг 2017 йил 27 июлдаги 01-07-02-1569-сонли ва 2018 йил 2 майдаги 01-07-03-671-сонли, вилоят Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармасининг 2018 йил 4 майдаги 02/12-2181-сонли хулосаларини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Навоий Кон-металлургия комбинати давлат корхонаси томонидан Навоий ва Зарафшон шаҳарлари ҳамда Учқудуқ туманида турар жой фондини сақлаш, унга техник хизмат кўрсатиш тарифлари иловага мувофиқ тасдиқлансин ҳамда 2018 йил 10 июндан жорий этилсин.

2. Навоий Кон-металлургия комбинати давлат корхонаси тизимидаги турар жой фондини сақлаш ва унга техник хизмат кўрсатиш корхоналари аҳолига ўз вақтида сифатли хизмат кўрсатилишини таъминласинлар.

3. Вилоят ҳокимлиги Саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалиги масалалари котибияти (Ниёзов)га ушбу қарорни "Дўстлик байроғи ва" ва "Знамя дружбы" газеталарида расман эълон қилинишини;

вилоят ҳокимлиги Компъютерлаштириш маркази давлат корхонаси (Фармонов)га мазкур қарорни вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминлаш топширилсин.

4. Вилоят ҳокимининг 2016 йил 25 июндаги "Навоий Кон-металлургия комбинати давлат корхонаси томонидан Навоий ва Зарафшон шаҳарлари ҳамда Учқудуқ туманида турар жой фондини сақлаш, унга техник хизмат кўрсатиш тарифларини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қ-104-сонли қарори (Дўстлик байроғи газетаси, 2016 й., 36-сон (3487) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари К.Расулов зиммасига юклатилсин.

6. Мазкур қарор 2018 йил 10 июндан бошлаб кучга киради.

Вилоят ҳокими **К.Турсунов**

Вилоят ҳокимининг
2018 йил “ 1 ” июндаги
К-197 - сонли қарорига
илова

Навоий Кон-металлургия комбинати давлат корхонаси томонидан Навоий ва Зарафшон шаҳарлари ҳамда Учқудуқ тумани турар жой фондини сақлаш, унга техник хизмат кўрсатиш
ТАРИФЛАРИ

№	Уй-жой фондининг тури	Умумий уй-жой фондини сақлаш ва унга техник хизмат кўрсатиш тарифлари (1 м^2 учун сўмда)	Уй-жой фонди жойлашган жой номи
1	Лифтли уйлар учун (4-қаватдан)	603-00	Навоий шаҳри
2	Лифтсиз уйлар учун	503-00	Навоий шаҳри
3	Коттедж уйлар учун	319-00	Навоий шаҳри
4	Лифтли уйлар учун (4- қаватдан)	590-00	Зарафшон шаҳри
5	Лифтсиз уйлар учун	492-00	Зарафшон шаҳри
6	Коттедж уйлар учун	312-00	Зарафшон шаҳри
7	Лифтли уйлар учун (4- қаватдан)	590-00	Учқудуқ тумани
8	Лифтсиз уйлар учун	492-00	Учқудуқ тумани
9	Коттедж уйлар учун	312-00	Учқудуқ тумани
10	Бошқа корхоналар балансида бўлган турар жой бинолари учун		
10.1	- лифтли уйлар учун (4- қаватдан)	348-00	Навоий шаҳри
10.2	- лифтсиз уйлар учун	297-00	Навоий шаҳри

Ижрочи: Саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалиги масалалари котибияти бош мутахасиси
_____Ш.Ҳамидов